Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 67 (7207). ● 5 апрель, 1980 йил, ◆ ● ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.



Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг механизаторлари далаларга 40 та чигит экиш агрегатини олиб чиқдилар. Улар ерга барака уруғи қадашни қисқа муддатда тугаллашга қарор қилишган. Суратда: совхоз нинг 1-бўлимида чигит экиш пайти.

* * * П. Эргашев фотоси.

ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси тобора кенг кулоч ёймоқда. Ишчи ҳам, деҳқон ва зиёли ҳам — ҳамма-ҳамма миллионлар йўлини мунаввар қилган улуғ ва муътабар зот юбилейини меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш иштиёқи билан яшамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида» қабул қилган қарори асосида ҳозир «Ленинчасига, коммунистчасига яшайлик, меҳнат қилайлик ва курашайлик» деган шиор остида ўтаётган коммунистларнинг очиқ партия йиғилишларида тарихий сана шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг бориши таҳлил қилинмоқда, 1980 йил, умуман беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш йўл-йўриқлари конкрет белгилаб олинмоқда. Коммунистлар, партиясиз активларни топширилган вазифа учун масъулиятни чуқур ҳис этиш, ишга ижодий ёндошиш, умумхалқ ютуғига кўпроқ шахсий ҳисса қўшиш руҳида тарбияланда бу йиғилишларда катта снёсий мактаб ролини ўтаяпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз коммунистларининг очиқ партия йиғилиши ниҳоятда ишчанлик ва ўзаро талабчанлик руҳида ўтди. Коммунистлар ўтган йилдаги иш якунларини атрофлича таҳлил қилиб, қўшимча резервларни аниқлаш тилга олдилар. В. И. Ленин юбилейи нишонланадиган йилда улар ички имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиб, пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишга, ҳар бир сигирдан сотиб олинаётган сут миқдорини эса 5000 килограммдан оширишга қарор қилдилар.

В. И. Ленин номли электрон-техника заводи коммунистларининг очиқ партия йиғилишида ҳам коммунистлар асосий эътиборни бундан бүён бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар. Завод ишчилари ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олганлар. 1350 киши шонли сана арафасида беш йиллик планни бажаришга ваъда қилди. Сўзга чиққан коммунистлар ваъдага қандай вафо қилинаётганлиги ҳақида коллектив олдида ҳисоб бердилар, бутун куч ва имкониятни доҳий юбилейини муносиб нишонлашга сафарбар этаажакларини билдирдилар.

Завод партия ташкилоти коллектив аъзоларининг ленинча дунёқарашини шакллантиришда, ҳаётий активь позицияни тарбиялашда ҳам катта ишлар қилаяпти. Маркс-ленинизм асослари мактабининг барча тингловчилари шахсий ижодий план асосида меҳнат қилмоқдалар. Иқтисодий таълим мактаби тингловчилари эса меҳнатни тўғри ташкил этиш, мусобақани ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ проблемаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Машғулотлар ва рефератлар ёзиш давомида улар муҳим таклифларни ўртага ташламоқдалар.

В. И. Ленининг бебаҳо назарий мероси бизга хўжалик юритишни, янги жамият кишисини тарбиялашни, ўсиш ва улғайишни ўргатяпти. Шу жиҳатдан олганда марксча-ленинча назарияни кенг пропаганда қилиш, доҳий асарларини қунт билан ўрганиш, коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга оммани тўла сафарбар этиш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Партия ташкилотлари В. И. Ленин юбилейи шарафига бошланган мусобақа давомида туғилаётган ватанпарварлик ташаббусларини кенг кўламда қўллаб-қувватлашлари ва кенг оммалаштиришлари зарур. Янгийўл мебель фабрикаси ишчилари иш вақтидан унумли фойдаланиш, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси қандолатчилари эса сифат белгисини олган маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш юзасидан қимматли ташаббус бошладилар. Шаҳар партия комитети бу ташаббусларни маъқуллаб, кенг оммалаштиришни тавсия этди.

Кўпгина ватанпарварлик ташаббусларининг ижодкорлари коммунистлар бўлаётганлиги қувонарли ҳолдир. Яқинда областимизнинг бир группа илғор коммунист чорвадорлари, сабзаветкорлари маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу ташаббус область партия комитети томонидан қизғин маъқулланди. Эндиликда ташаббускорларнинг издошлари барча хўжаликларда кун сайин кўпайиб бормоқда.

КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қонда ва хулосалар партия ташкилотларни иш услубини янада такомиллаштиришда, хўжаликни бошқаришда, экономика ва маданиятни ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлаяпти. Бу ҳужжатларда ривожланган социалистик жамият қурилиши назарияси ва практикасининг туб масалалари чуқур ва атрофлича ишлаб чиқилган. Коммунистлар, барча совет кишилари бу ҳужжатларга мурожаат этиб, бунёдкорлик ишлари кўламини янада тўлароқ ҳис қилмоқдалар, буюк мақсад сари ҳаракат истиқболларини ёркинроқ кўрмоқдалар.

Лекин, янги-янги улуғвор вазифаларни бажариш учун умумхалқ кураши авж олган, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш учун кураш тобора кучаётган бир пайтда даврнинг ана шу сафарбарлик руҳини чуқур масъулият билан ҳис этолмаётган корхона, хўжалик, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ишлаб чиқариш коллективлари ҳам йўқ эмас. Баъзи корхоналарда ойлик топшириқлари бажарилмай келяпти, меҳнат унумдорлиги паст, суръат орқада. Чирчиқ гилт заводлари бошқармаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Бекобод цемент комбинати каби йирик корхоналар 1980 йил январь ва февраль ойлари планини асоссиз равишда барбод этдилар. Коммунистларнинг очиқ партия йиғилишларида ишлаб чиқаришда йўл қўйилаётган ана шундай жиддий нуқсонлар кескин танқид қилиниши, уларни бартараф этишнинг йўл-йўриқлари конкрет кўрсатилиши, юбилей шарафига бошланган мусобақани ривожлантиришнинг зарур чоралари кўрилиши керак.

Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, меҳнат қиламиз, курашамиз! Коммунистлар, барча совет кишиларининг жанговар шиори ана шундай.

Ленин бизнинг йўлчи юлдузимиз, улуғ ва доно мураббиймиздир. Доҳий ғоялари янги жамият қуриш қоролли бўлиб коммунизм йўлини мунаввар қилиб турибди. Яшаш, меҳнат қилиш, курашишни ҳамиша Лениндан ўрганайлик, унинг буюк идеалларига муносиб иш кўрайлик.

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

ОЛМАЛИҚЛИКЛАР ТАРАДДУДИ

ДОҲИЙ В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича барча корхона ва ташкилотларда қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Доҳий Ленин коммунистик шанбаликни коммунизм куртаклари, деб атаб, келажакда уни янада кенгайтириш ва янги-янги усулларидан фойдаланишни таъкидлаган эди. Бундан 61 йил муқаддам Москва — Сортировочная депоси коллективи биринчи бўлиб бошлаб берган шанбалик шундан бери ўтган давр ичида ҳақиқий коммунистик меҳнат байрами сифатида нишонлаб келинаяпти.

Бу йил коммунистик шанбалик ҳар йилгидагидан ҳам кўра тантанавор руҳда ўтиб, ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ натижалар беради. Чунки, бу йил доҳий Ленин туғилган кунининг шонли 110 йиллиги нишонланади.

— Корхона ва ташкилотлар коллективлари 19 апрелда одатдаги иш кунларидагидан кўра бирмунча кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди, — дейди шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, шаҳарда коммунистик шанбалик ўтказиш штабининг бошлиғи В. И. Токарев. — Бу ишчи ва хизматчилар доҳий юбилейини ҳақиқатан юксак меҳнат зафарлари билан кутиб олишга азмукарор қилганликларининг ёрқин намунасидир.

Шаҳардаги йирик корхоналардан бири ҳисобланган Олмалиқ химия заводида шанбаликда 2430 киши қатнашади. Шундан 860 киши бевосита ўз меҳнат постида туриб, маҳсулот ишлаб чиқаради. Кимёгарлар бу куни жами 325 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга бел боғлашган. Бу 2250 тонна минерал ўғит демакдир. Шанбаликда меҳнат қилган ҳар бир ишловчига 129 сўмлик маҳсулот тўғри келади.

— Ҳар йили шанбаликда тежалган хомашё ҳисобига маҳсулот тайёрлаш анъана тусига кириб қолган, — дейди завод директори Қ. Содиқов, — бу йил ҳам 19 апрелда бир смена коллективи тежалган фосфат, аммиак ва олтингугурт кислотаси хомашёси ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, завод территорияси, «Гулистон» дам олиш зонаси ва профилактория территориясида катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. 1200 туп дарахт, 1500 туп гул, 6 минг туп бута кўчатлари ўтказамиз. Шунингдек, 60 тонна металлом йиғилади. Корхона ҳузуридаги вокальчолғу ансамбли механизаторлар хизматида бўлади. Ўнинчи беш йиллик фондига 5700 сўм маблағ ўтказамиз.

Гилам фабрикаси шаҳардаги кенжа корхоналардан бири. Гилам тўқувчилар «қизил шанбалик»да йил давомида тежалган 3,9 минг киловатт соат электр энергияси ҳисобига ишлайдилар. Улар 3,5 минг квадрат метр — 35 минг сўмлик гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Корхона илғорлари Г. Шарифулина, К. Шарифбоева, Н. Соколовалар коммунистик меҳнат байрамида шахсий нормаларини икки баравар ва ортиқ бажариш мажбуриятини олишди.

Х. АЛИМОВ.

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

БОРОНАЛАР билан меҳр қўйиб тароқланган тап-текис далалар уфққа бориб туташади. Ўнинг устида мусаффо ҳаво шабадаси эсиб, қиш бўйи ором олган ер нафас олаётгани сезилиб турибди... Дам олиш фасли тугади. Пахтасозларга жон кирди: ишчиларнинг шовқини далага таралиб, бамисоли кўклам чашмалари янги куч билан қулф урғандек тракторлар эгат олмоқда, юк машиналари ва тележкалар дала йўлларида пайдар-пай қатнаб турибди. Тошкент областидаги энг катта пахтакор хўжаликлардан бири — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози чигит экишга киришди.

Қишлоқдаги кун кўкламда эрта саҳардан бошланади. Дала четидаги ҳали барг ёзишга улгурмаган дарахтлар учига қўён нури тушмасданоқ, совхознинг 1-бўлим бошқарувчиси — республикада хизмат кўрсатган пахтакор Алима Айвазова механизаторларга сўнгги йўл-йўриқларни бермоқда. Оққул Ражабов ва Турғун Маллабоев бригадалари чигит экишга яхши ҳозирлик кўрдилар: далаларни барвақт текислаб, нам тупладилар, карталарни синчиклаб бороналадилар.

Звено бошлиғи Энвер Алиев ўз ўртоғи, бошқа звенонинг бошлиғи Абдусаттор Сулаймонов билан бирга дала бошига чиқиб тупроқни қисмлаб кўрди-да, вақт бўлибди, деди. Уларнинг ҳар иккаласи тажрибакор пахтакорлардан, иккаласи ҳам уз меҳнати учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган. Шу звенолар ўртасида азалдан анъанага тусига кириб қолган мусобақа пахтакорлар учун янги марраларга эришиш воситаси, ишончли тажриба мактаби бўлиб қолди. Беш йилликнинг тугалловчи йилида иккала звенонинг бошлиғи рекордни кўзлаб, кузакда гектар бошига камида олтмиш центнер «оқ олтин» териб олишга сўз бердилар.

— Бу йил ўн иккита механизатор звеносининг ҳаммаси оширилган мажбуриятни олган, — дейди А. Айвазова. — Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бу йил Ленин юбилейи нишонланадиган йил. Бизнинг бўлимимиз эса Ульянов номи билан аталган. Пахтакорлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига мажбурият қабул қилиб беш йилликни зарбдорларча якунлашга, 875 гектар ернинг ҳар гектаридан эллик центнер пахта ҳосили олишга якдиллик билан қарор бердилар.

Кўп ўтмай даладаги ишлар қизиб кетди. Чигит экувчилар эгатларга мерганларча аниқлик билан тўрт сантиметр чуқурликка чигит ташлай бошладилар. Айни вақтда чигит экилган қаторнинг сал пастига ўн сантиметрга чуқурликда ўғит солинмоқда. Бу ўғит янги ўсиб чиқадиган ниҳолларга озиқ берса, гербицидлар уларни бегона ўтлардан муҳофаза қилади. Ўғит ва доривор солиш учун қулай механизмларни совхоз механизаторларининг ўзлари ясаб олишган.

Чигит пухта ўйлаб тузилган агротехника схемасига мувофиқ, аниқ белгилаб қўйилган иш маромида экилмоқда. Биринчи куннинг ўзидаёқ бўлимнинг ҳамма агрегатлари экиш нормасини бажарди, илғор звеноларнинг механизаторлари эса ўн икки гектардан ерга чигит экиб, нормани анча ошириб адо этдилар.

— Хўжаликда 57 агрегат чигит экишга киришди, — дейди совхоз директори С. П. Зокиров бир кунлик ишни якунлаб.— Биз фақат тукисиз чигитларни аниқ миқдорда экяпмиз. Бу усул ғузани яганалашдек сермеҳнат ишга ҳожат қолдирмади, неча ўн минг сўмни тежайди. Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ чигит экиш нормасини гектарига 25 килограммгача етказдик, бу тадбир ҳосил теримига киришиш арафасида ҳар гектар ерда 135 минг туп — бултургидан ўттиз минг туп кўп ғуза бўлишини таъминлайди. Шу тариқа ҳосилни анча кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Совхознинг ҳамма ерларига яхши текширишдан ўтган ва бизнинг шароитимизда жуда самарали бўлган «Тошкент-1» навли чигит экилади.

...Моторлар гуруллайди. Хўжаликдаги экиш-тикиш ишлари кўкламги оқим каби тобора кенгайиб, кучга тўлиб, қулф уриб бормоқда. Илғор совхоз пахтакорлари тўрт минг гектардан кўпроқ ерга чигит экишни олти иш кунида тугаллашга қарор беришган.

(ЎзТАГ мухбири).

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА ЛЕНИН ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАРИ

Ишлаб чиқаришга фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни изчиллик билан жорий этаётган Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози меҳнаткашлари йил сайин ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Совхоз сабзавоткорлари беш йиллик планда кўзда тутилган 32 минг тонна ўрнига ҳозиргача 32600 тоннадан ортиқ маҳсулот топширдилар.

Гўшт, сут етиштириш ҳам кўпайиб бормоқда. Соғин сигирлардан ўртача 4270 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 502 килограммни ташкил этди.

Хўжалик миришкорлари 1980 йилни ҳам янги марраларни эгаллаш билан якунлашга аҳд қилдилар. Шу кунларда далаларда иш қизғин бормоқда. Ҳозиргача шаҳар аҳолисига 120 тоннадан ортиқ редиска, бодринг, помидор ва бошқа резавор маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Куни кеча пешқадам совхоз коллективига ва бир группа илғор сабзавоткорларга Ленин Фахрий ёрлиқлари топширилди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада актив қатнашиб, сабзавот мўл қўллигини таъмин этганликлари учун улар бундай юксак мукофотга сазовор бўладилар.

Ана шу муносабат билан совхозда тантанали митинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси Н. Маҳмудов совхоз коллективига ва зарбдор ишчиларга Ленин Фахрий ёрлиғини топширди. Ўртоқ Маҳмудов мукофотланганларни самимий қутлади, уларга янгидан янги муваффақиятлар тилади. Деҳқонлар, чорвадорлар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан совхоз директори Т. Мелибоева хўжалик меҳнаткашлари мукофотга амалий иш билан жавоб беражакларини айтди. Ҳозир далаларда эртаки сабзавот экинларига ишлов бериш қучайтириб юборилган.

Тантанали митингда Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси М. Муллаев, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров ўртоқлар қатнашдилар.

ДЕҲҚОН БАҲОРИ

...БЕҒУБОР баҳор тонги. Чор атроф кўм-кўк гилам билан қопланган. Майин шабада танга ҳузур бағишлайди. Атрофга боққанинг сари кўзинг қувнайди. Мана шундай кезларда дала кезишнинг ўзгача гашти бор.

Уфқ бўзардими, Бектурган акани даладан топасиз. Одати шунақа, келгуси иш режаларини ҳам, қалбидаги ташвишли ўйларини ҳам эрта тонгда ёлғиз дала кезиб пишитади. Тўғрида, деҳқон меҳнати роҳатини ҳам, орзу-умидларини ҳам, элюрт олдидаги обрў-эътиборни ҳам мана шу пешона тери тўкилган она заминдан топмаганми, ахир!..

Ёлғиз оёқ сўқмоқдан кетаётган Бектурган ака янгигина тозаланган ариқ тепасида тўхтади. Равон оқаётган баҳор сувига тикилиб турди-да, чуқур ҳаёлга толди. «Инсон умри, ҳам мисоли мана шу зилол сувдек, доим олға интилади, бир маромда оқаверади. Лекин, умр дарёсининг қандай оқиши ёлғиз ўзинггагина боғлиқ. Ҳаётда одамлар ҳақида қайгурсанг, эл-юрт ташвиши билан яшасанг, умринг беҳуда ўтмайди, ўзингга яраша из қолдирасан. Бу — катта бахт. Шунинг учун киши гоҳи-гоҳида босиб ўтган йўлига назар ташлаб кўйиши, бу йўлда нималарга эришди-ю, нималарга улгура олмади, билиб қўйиши фойдадан ҳоли эмас»..

Бектурган бундан беш йил олдинги мажлисни эслади. Колхознинг катта клуби одамлар билан тўлган. Колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор Миразиз Рўзиматов колхоздаги барча пахтачилик бригадалари фаолиятига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтяпти. Навбат 9-бригадага келганда Бектурган безовта бўлиб қолди. Сабаби бригада 9-беш йилликнинг тўртинчи йилида пахта тайёрлаш планини атиги 89 процент, каноп тайёрлаш планини эса бор-йўғи 67 процент бажарган эди, холос. Бунда ҳисобчи сифатида ўзининг ҳам айби борлигини тушунарди. Бригада бошлиғи ў ёқда қолиб, раис Бектургандан сўраб қолди:

— Хўш, Бектурган ука, сен бунга нима дейсан?

— Имкониятлар кўп, раис ака. Агар улардан тўғри фойдалансак, ўйлайманки, қолоқликдан чиқиб оламиз, — деди Бектурган дадил.

— Яша, азамат. Биз сенга ишонамиз. Шу бугундан бошлаб 9-бригадага ўзинг бошчилик қиласан, колхоз правлениеси шунга қарор қилди, — деди раис.

Ўша куни кечаси билан миясўка қоқмади. «Ким билан маслаҳатлашиб айтдинг бу гапларни. Одамлар нима дейди энди. Бектурган ўз нархини оширибми юборди, дейишмайдими, ахир? Бор-йўғи ҳисобчи бўлсанг...», — у мана шулар ҳақида ўйлаб чиқди.

Бектурган биринчи куни дала шийпонига барвақт етиб келди. Бригада аъзолари жамулжам бўлгач, бафуржа маслаҳатлашиб олишди. Бригаданинг кекса сувчиларидан бири, тажрибали пахтакор Музаффар ота Жуманов якун ясади:

— Энди, ўғлим, гап бундай. Қолоқликни бизга муҳрлаб беришмагандир. Бир тан — бир жон, аҳил-иноқ бўлсак, қолоқлик дегани, албатта, ювамиз. Тажрибам кам деб гам ема, бўшашма, керакли нарсаларни раҳбарлардан вақтида ундириб турсанг бас.

Бектурганнинг кўзларида кувонч порлади. У ҳаётнинг мазмунини янада чуқурроқ тушунгандек бўлди. Ҳа, инсон инсон билан тирик. Улар доимо бир-бирига суянib, ҳамкор бўлиб яшаб, меҳнат қиладилар.

Ўша йили бригада азаматлари чинакамига жасорат кўрсатиб меҳнат қилишди. Эл олдида берилган ваъда 100 фоиз уддаланди. Бригадада ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борди. Илғори колоқлар тори тилга олинадиган бригада, энди илғорлар сафидан жой олди. 1977 йили колхозда рекорд ҳосил — 118 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 44 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Бектурган Абдулхаиров далада беллашадиганлардан. Кўпнинг ўртасида қурашиб ғолиб чиқсанг, бундан ортиқ кувонч бўлмайди йигит учун дейди бригадир. Дарҳақиқат, шундай. Бир неча йилдирки у бошлиқ бригада колхознинг Ҳудойберган Дадашев бошлиқ 1-бригадаси билан мусобақадош. Ҳар йили ўзаро мусобақа шартлари тузиб чиқилади. Бир-бирларига тез-тез текшириш бригадалари юборилиб, мусобақа шартларининг бажарилишини назорат қилиб туришади. Камчиликлар рўй рост айтилади, ютуқлар ўртоқлашилади. Мусобақадошларининг яхши бир шиори бор: «Қўшнининг ери бегона эмас, уларнинг ютуғи бизнинг ютуғимиз». Мусобақадошлар чиндан ҳам бир-бирига ҳамкор, мададкор.

Ўтган йилги оғир шароитда мусобақадошларнинг донно маслаҳатлари ва амалий ёрдамлари катта наф келтирди. Гектаридан 37,1 центнердан дурдона териб олинди. Канопнинг ҳар гектаридан рекорд ҳосил — 245 центнердан кўк поя йиғиштириб олинди.

— Баҳорги серғам дамларнинг, ёз саратонининг оғир меҳнатларига қарамай мусобақада ғолиб чиқдик,— дейди Бектурган Абдулхаиров. — Лекин, ҳосилдорлик мўлжалдагидан 2 центнер кам бўлди. Бунинг ҳиссасини бу йил албатта чиқарамиз.

— Биласизми, — дейди Бектурган ака, — мусобақадошлар ҳам, ўзимиз ҳам ҳар йили ўрта ҳисобда 600—650 минг туп тут кўчатлари ўтказилмоқда. Мавжуд тутзорлар парвариши ҳам қизғин олиб борилаётир. Хўжаликларда ҳар йили ўрта ҳисобда 600—650 минг туп тут кўчатлари ўтказилмоқда. Мавжуд тутзорлар парвариши ҳам қизғин олиб борилаётир.

Ўтган йил якунлари районимизда пилла етиштиришни янада кўпайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан барча пиллачилар ҳам ҳар кути қурт уруғи ҳисобига районнинг ўртача кўрсаткичи даражасида ҳосил олганларида давларга қўшимча миқдорда яна 12 тонна «кумуш тола» топшириш имконияти туғиларди. Ўтган йили кўпгина хўжаликлар пиллачилари «кумуш тола»дан рекорд ҳосил етиштирганлари ҳолда Оржоникидзе номли совхозда бу соҳадаги план ҳам бажарилмай қолди. Чунки совхоз пиллачилари ипак қуртини парвариш қилиш коидаларига тўла риоя қилмай, хатоларга йўл қўйдилар.

Айрим хўжаликларда тутзорлар парвариши ҳам кўнгилдагидек эмас. Улар ўз вақтида озиқлантирилиб, суғорилиб борилмайди. Ипак қурти парвариши даврида тут дарахтларини кесишда пала-партишликка йўл қўйилаётганлиги учун кейинги йилда бу дарахтлар навдаси калта ва майда бўлиб қоларди. Янги ўтказилган тут кўчатларига эътибор берилмаслиги туфайли уларнинг бир қисми нобуд бўлади.

Биз бу йил бу камчиликларни тугатиш, мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун қатъий кураш олиб борамиз. Ипак қурти боқиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, Ватанга социалистик мажбуриятда белгиланганидан ҳам зиёда «кумуш тола» армуғон этиш учун астойдил ғайрат қиламиз.

О. ИСМОИЛОВА,
Оржоникидзе район боғ пиллахонасининг директори.

ПИЛЛА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Районимиз барча қишлоқ меҳнаткашлари катори пиллачиларимиз ҳам ўтган йили қувончли натижаларга эришдилар. Улар қабул пунктларига планда белгиланган 125 тонна ўрнига 138 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Район бўйича ҳар кути қурт уруғидан ўртача 75,7 килограммдан «кумуш тола» олинди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида Ленин номли колхоз пиллачилари айниқса самарали меҳнат қилдилар. Улар давлатга 29,2 тонна пилла сотдилар. Бу планда белгиланганидан 5,4 тонна ортиқдир. Хўжаликда ҳар кути қурт уруғидан олинган пилла 83 килограммни ташкил этди. Шунингдек, «Правда», «Октябрь», «Маданият», «Қизил Ўзбекистон», «Коммунист» колхозлари, Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-завод пиллачилари ҳам план ва олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, районнинг баракали «кумуш тола» хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўтган йили илғор пиллачиларимиз ўртасида «кумуш тола»дан рекорд ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа кенг авж олди. Бу мусобақа пешқадамлари Ленин номли колхоздан Х. Назарова, М. Тожиева, «Правда» колхозидан А. Ҳамдамов, Ҳ. Обидов, «Октябрь» колхозидан О. Ғафурова «Қизил Ўзбекистон» колхозидан М. Саъдуллаева, У. Маҳкамов ва бошқалар ҳар кути қурт уруғидан 100—120 килограммдан ва ундан ҳам ошириб ҳосил олдилар. Уларнинг самарали меҳнатлари муносиб тақдирланяпти. Пиллачилар ўртасидаги социалистик мусобақа пешқадамлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган районимиз пиллачилари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар бу йил 2500 кути қурт уруғи парвариш қилиш ва давлатга камида 130 тонна пилла топшириш учун курашадилар.

Ҳозирги пайтда барча хўжаликларда ипак қурти боқиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрияпти. Пиллачилар звеноларини тузиш ва қурт боқувчилар рўйхатини олиш тугалланмоқда. Ипак қурти боқиш учун зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар пиллачиларга етказиб берияпти. Барча инкубаторлар сифатли ремонтдан чиқарилган.

Районимизда пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилаётир. Хўжаликларда ҳар йили ўрта ҳисобда 600—650 минг туп тут кўчатлари ўтказилмоқда. Мавжуд тутзорлар парвариши ҳам қизғин олиб борилаётир.

ҚЎЗИЛАТИШ ҚИЗҒИН

Адрларга кундан-кунга файз кираяпти. Қўй-қўзилар туёғи кун сайин кўпайиб бораяпти.

Чўпонлар ўзларининг бутун йил бўйи қилган меҳнатлари салмоғини белгилайдиган бу мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун гайрат камарини маҳкам боғлаганлар. Совхозининг А. Алматов, С. Сейдаметов, Р. Муждабоев сингари илғор чўпонларн бу йил ҳар 100 бош совлиқ ҳисобидан 130—140 тадан қўзи олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Янги туғилган қўзиларнинг соғлом ўсиши учун ҳамма тадбирлар амалга оширилмоқда. Чўпонларга ёрдамчи сақмончилар бириктирилган. Отарлар етарли миқдорда сифатли емхашак билан таъминланган.

Совхозда 4850 бошдан ортиқ қўй бор. Шундан 2300 бошн қўзилайдиган совлиқдир. Совхоз коллективи якунловчи йилда 2550 бош қўзи олиб ўстиришга, саноат учун 16,2 тонна сифатли жун—хом ашё етказиб беришга аҳд қилишган.

Айни кунларда чорвадорлар ана шу юксак мажбуриятларни бажариш борасида қизғин кураш олиб бораяптилар.

Ж. АБДИЕВ,
Паркент районидаги «Коммуна» совхози.

ЭРТАГА—ГЕОЛОГЛАР КУНИ

ХАЗИНА ТОПАРЛАР

ЭРТАГА мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари узра яна бир байрам шодиёналари баралла янграйди. Халқимиз Бутуниттифоқ геологлар кунини тантаналр равишда нишонлайди. Мамлакатимиз геологлари асрлар давомида ер остида ястаниб ётган табиий бойликларни қидириб топиб, халқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилдирмоқдалар. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнати бизда юксак қадрланмоқда. Ҳар йили нишонланадиган Геологлар кунини таъсис этилиши ҳам бунинг ёрқин далилидир. Байрам муносабати билан «Тошкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари — бош геологи, геология-минерология фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог, СССР Фахрий кон қидирувчиси Тўлқин ШОЕҚУБОВ мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— ГЕОЛОГЛАРНИ хазинатопарлар деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам қишнинг қаҳратон совуқларида, ёзнинг жазирама иссиқларида кон излаймиз, хазина қидирамиз. Турли-туман табиий бойликларни эл хизматига қўйишга ҳаракат қиламиз. Ишимиз машаққатли, лекин жозибали ва шарафли ҳамдир. Шунинг учун ҳам касбимиз билан фахрланамиз, шуҳратини оширишга, унга дог туширмасликка ҳаракат қиламиз. Ихтиёримиздаги замонавий, қудратли асбоб-ускуналардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Янги-янги конларни қидириб топиб, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларни кўпайтириш йўлида тинмай билмай изланамиз.

Бирлашмамиз коллективи ўз зиммасига юклатилган катта вазифаларни муваффақиятли бажариб, касб байрамимизни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олляпти. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги сермазмун нутқида баён этилган қоидалар ва йўл-йўриқларга амал қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини муттасил оширишга эришилмоқда.

Геологларимиз ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилини меҳнатда яхши натижалар билан якунладилар. Социалистик мусобақани кенг авж олдириш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари ва янги формаларини қўллаш ютуқларимиз омили бўлмоқда. Ўнинчи беш йиллик бошидан бери кўплаб янги конлар очилди. Ҳаммаси бўлиб 37 та табиий бойлик запаслари қидириб топилди, уларнинг миқдори аниқланди ва саноат ўзлаштирилиши учун топширилди.

Бирлашмамиз ташкилотларида ерости бойликларини қидириб топиш усуллари муттасил такомиллаштирилмоқда ва унинг самарадорлиги оширилляпти. Эндиликда қидирув ишлари қазилма бойликларининг турли типлари, улар жойлашган районларнинг аниқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда комплекс амалга оширилляпти. Мураккаб геологик муаммоларни ҳал қилишда геофизик ва геохимик усуллар, янги, анча унумли станоклар ва техника воситалари, иқтисодий-математик методлар ва ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланилмоқда. Геология-қидирув ишлари олиб борилишини оператив бошқариш ҳам такомиллашди. Бунинг учун замонавий алоқа воситалари ишлатилляпти. Скважиналарни бурғилаш режимининг технологик параметрларини оптималлаштириш жараёнлари ва планиқтисодий масалаларни ҳал қилишни автоматлаштириш давом эттирилляпти.

Фойдаланилаётган техника воситаларини такомиллаштириш, янги-янги асбоб-ускуналарни қўлланиш геология-қидирув ишларини тезлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бирлашмамизнинг қатор бўлинмалари ихтиёридаги моддий техника ва ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиб, план кўрсаткичларини тўхтовсиз яхшилаб боришяпти. Айниқса, Шарқий Қурама ва Олмалиқ геология-қидирув экспедицияси, Комплекс геология-геофизик қидирув ва «Химгеонеруд» экспедициялари коллективлари ўнинчи беш йиллик бошидан бери бир маромда ишламоқдалар.

Бирлашмамизнинг қатор бургилаш ва проходчи бригадалари коллективлари совет кишиларининг ажойиб анъаналарига амал қилиб, бугунги байрамимизни муносиб меҳнат тортиқлари билан нишонлашяпти. Улар беш йиллик топшириғини В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигигача бажариш ҳақида эл-юрт олдида берган ваъдаларининг уддасидан чиқмоқдалар. Ҳар сменада топшириқни знёдаси билан адо этишяпти.

Ана шундай пешқадам бригадалар ҳақида гап кетганда аввало Олмалиқ геология-қидирув экспедициясининг А. Я. Медведев бошчилик қилаётган бригада номини тилга олгинг келади. Чунки бу бригада бирлашмамизда биринчи бўлиб беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Бригада бурғичилари шу йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар. Комплекс геология-геофизик қидирув экспедициясининг мастер К. Расулов раҳбарлик қилаётган бригадаси эса 10 март куни беш йиллик планини бажарганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди. Мастерлардан С. Зокиров, Н. Ибришев, С. Қаюмов бошчилик қилаётган бурғилаш бригадалари, Р. Шайхутдинов, М. Кочкин раҳбар бўлган проходкачи бригадалар ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш арафасида турибди.

Бурғилаш ва проходкачи бригадаларимиз коллективлари ўз фаолиятларида тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Барча материаллар ва хом ашёнинг ортиқча сарфланмаслиги учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Шу туфайли ҳам бу соҳада дурust ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида иқтисод қилинган материаллар билан 10 минг метрдан ортиқ скважиналар қазилди. Коллективимизнинг тежамкорликда эришаётган ютуқлари муносиб тақдирланмоқда.

Ҳомашё, материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ўтказилаётган бутуниттифоқ кўригида яхши натижаларга эришган бирлашмамиз уч йил давомида сурункасига ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Госснабининг Фахрий Ёрлиги ва Дипломи билан тақдирланмоқда. Коллективимиз бу йил ҳам тежамкорликка катта эътибор беряпти. Йил давомида тежаб қолинган материаллар ҳисобига 2 минг метр скважина очиш ишларини бажариш ҳақидаги ваъдамизни шараф билан адо этяпмиз.

Бу йил коллективимиз олдида катта, мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилишимиз лозим. Бирлашмамиз геологлари анъанавий байрамимиз арафасида эришган ютуқларни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб борадилар. Бунинг учун барча имконият ва резервлардан фойдаланамиз, билимимиз, тажрибамиз ва маҳоратимизни сарфлаб, ўнинчи беш йилликни салмоқли кўрсаткичлар билан якунлашга астойдил ҳаракат қиламиз.



Тошкентдаги 4-Давлат лойиҳалаш институти ходимлари янги енгил саноат корхоналарини қуриш, мавжуд пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик корхоналарини реконструкция қилиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни яратмоқдалар. Суратда: катта архитектор М. Н. Мунаваров, лойиҳа бош инженери Э. М. Зельцер ва архитектор М. М. Алимовлар Жиззахда қуриладиган пахта йигирув фабрикаси лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар.



Суратда: Ўзбекистон Иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг илғор ишчиси Собир Иноғомов. Бу пешқадам металлург шахсий беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариб, айни кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қиляпти.

В. Сироткин фотолари.

СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ

КАДРЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди қарорларини амалга оширишда оғзаки сиёсий агитация ролини кучайтириш тўғрисидаги қарорида оммавий агитация кадрларининг методик тайёргарлигини ошириш масалаларига катта эътибор берилган.

Тошкент область партия комитети Сиёсий маориф уйида ўтказилган навбатдаги курс машғулотлари ана шу мавзуга бағишланди.

Машғулотларда шаҳар, район партия комитетлари инструкторлари, сиёсий маориф кабинетлари методик советларининг раислари, сиёсий ахборотчилар тайёрлаш мактабларининг пропагандистлари, агитколлектив ва сиёсий ахборотчилар группалари раҳбарлари, марксизм-ленинизм университетларининг ўқитувчилари иштирок этдилар. Улар оммага ғоявий таъсир кўрсатиш форма ва методлари, социал педагогика ва психология асослари, нотиқлик санъати бўйича лекциялар тингладилар.

Область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Т. Валиев, область партия комитети саноат ва транспорт бўлими мудирининг ўринбосари Ш. Камолхўжаев XI беш йилликда Тошкент областида қишлоқ хўжалигини юксалтириш истиқболлари, саноат, транспорт ва алоқа ташкилотларининг 1980 йилдаги вазифалари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Партия ва совет масъул ходимлари, олий ўқув юртларининг олимлари, Тошкент олий партия мактаби педагоглари курс машғулотларида қатор лекциялар ўқидилар.

Семинар машғулотларида тингловчилар оммавий агитация соҳасида тўпланган нш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Т. ЮСУПОВ.

КАФЕДРА ТАВСИЯСИ БИЛАН

Бундан салкам 30 йил муқаддам Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида очилган бу кафедрада тадқиқот ишлари кенгайиб кетди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш билан шуғулланаётган мазкур илмий марказда студентлар ижодкорлигига ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Республикамиз колхоз ва совхозлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатишда ёшлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар салмоқли ўрин тутмоқда. Ўнончи, олий ўқув юртининг студенти Ғ. Ҳидиралиев кафедра тавсияси билан Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида пахта етиштиришнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи» деган мавзуда диплом ишини ёзди.

Илғор хўжаликлар мисолида тайёрланиб, ҳимоя қилинган бошқа дипломишлари ҳам юқори баҳоланди.

А. ВАЛИЕВ.

ДОҲИЙ НОМИДАГИ НИШОН

1930 йил 6 апрель... Шу куни СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми Ленин ордени таъсис этиш тўғрисида қарор чиқарди.

Шу вақтдан эътиборан социалистик қурилиш ёки мамлакат мудофааси ишида алоҳида хизмат кўрсатган айрим граждалар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари доҳий сиймоси туширилган нишон билан тақдирлаб келинмоқда. 1936 йилдан бошлаб Ленин ордени Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 1938 йилдан эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлганларга ҳам топширилаётган бўлди.

Ленин ордени мамлакатимизда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик планини бажариш соҳасида фидокорона қўраш кенг авж олган бир даврда таъсис қилинган эди. 1930 йилда 1-беш йиллик дастлабки йили плани адо этилгач, бутун мамлакатимиз бўйлаб «Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз!» шиори олдинга сурилди. Завод ва фабрикаларда, янги қурилишларда зарбдор бригадалар, коваторлар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Улар меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги-янги йўлларини излаб топиб, ишга солдилар, илғорларнинг ташаббуси бундан буён ўнг миниглаб совет кишиларн томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Социалистик мусобақани ривожлантиришнинг тўғрисидаги буюк ленинча ғоя янги жамият бунёдкорларининг тобора кенг оммасн томонидан изчил амалга оширилаборди.

Биринчи беш йилликни барвақт адо этиш, саноатда меҳнат унумдорлигини юксалтириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаш учун бошланган мусобақанинг тобора авж олиши энг илғор меҳнаткашларни рағбатлантириш ва тақдирлашнинг янги формаларини вужудга келтирди. Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорона меҳнат учун бериладиган энг фахрли мукофот Ленин ордени бўлиб қолди.

Энди бу олий нишон минг-миниглаб ишчилар, колхозчилар, ҳарбийлар, зиёлилар кўксини безаб турибди.

Энг биринчи Ленин ордени билан 1930 йил 23 майда «Комсомольская правда» газетаси тақдирланди. Газета мамлакатимизни индустриаллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш йилларида социалистик мусобақадаги ташаббускорлиги, қурилиш суръатларини кучайтиришда кўмаклашгани, Совет давлат аппаратини яхшилашдаги фаол иштироки учун энг олий мукофотга сазовор бўлди.

30-йилларда стахановчилик ҳаракатининг бошловчилари — А. Стаханов, Н. Изотов, М. Демченко, П. Ангелина ва бошқалар ҳам доҳий номидаги нишон билан мукофотланишди. Авиаконструкторлар орасида биринчи бўлиб А. Н. Туполев, фан арбоблари орасида И. В. Мичурин, маданият арбоблари ичида М. Горький, шунингдек, Демьян Бедний, Алексей Толстой, А. Серафимович, М. Шолохов, К. Станиславский, В. Немирович-Данченко, С. Эйзенштейнларга Ленин ордени топширилди.

Ўша йилларда бошқа давлатларнинг машҳур кишилари, жумладан, халқаро коммунистик ҳаракатнинг

ЛЕНИН ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАНИГА 50 ЙИЛ ТЎЛДИ

Эндиликда бу олий нишон минг-миниглаб ишчилар, колхозчилар, ҳарбийлар, зиёлилар кўксини безаб турибди.

улкан арбоблари Клара Цеткин, Георгий Димитров, Марсель Кашен, Чойбалсан ва бошқа ўртоқлар ҳам ҳукуматимизнинг энг олий нишони билан тақдирланишди.

1935 йил декабрида Москвада партия ва ҳукумат раҳбарларининг илғор ўзбек колхозчи деҳқонлари вакиллари билан учрашуви бўлиб, қишлоқ хўжалигида энг юксак намуна кўрсатган ўртоқларга СССР орден ва медаллари топширилди. Жумладан, 71 колхозчи Ленин ордени олди. Улар орасида областимиздан — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг илғори Нури Мусаева, «Қизил Аскар» колхозидан Аширгул Ҳамидова, Янгийўл районидаги «Октоб» колхозидан Бибихон Бекмуродова, Оржоникидзе районидаги «Қизил намуна» колхози звено бошлиғи Дадажон Ҳақимжонов ва бошқалар бор эди.

Улуғ Ватан урушн йилларн совет кишилари чинакам оммавий фидокорлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб, 1418 кеча-кундуз давомида «Ҳамма нарса — фронт учун!», «Ҳамма нарса — ғалаба учун!» шиори остида яшадилар, жанг қилдилар, ишладилар. Шу йилларн совет халқи фидойи фарзандларидан эллик мингдан ортиқ киши Ленин орденига сазовор бўлди.

Бизнинг кунларимизда Ленин сиймоси ярқираб турган олий нишонни беш йиллик зарбдорлари, қўриқ бағишларн, космос қаҳрамонлари, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат арбоблари, қаҳрамон ҳарбийларимиз фахр билан юракка яқин жойда тақиб юрмоқдалар.

Куни кеча эса «оқ олтин»дан республикамиз тарихида мисли кўрилмаган рекорд ҳосил етиштиришда фаол қатнашган ўртоқлардан катта группаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига ҳамда Ленин орденига сазовор бўлди.

Ленин нишони мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлидаги меҳнатда энг юксак кўрсаткичларга эришганликнинг муносиб рамзидир.

Х. ТУРДИЕВ,
область партия комитети партия архивининг илмий ходими.

МОҲИР ПЕДАГОГЛАРИМИЗ

МУРАББИЙ, УСТОЗ

ЎША воқеани у худди кечагидек яхши эслайди. Янги ўқув йили бошланган дастлабки кунлар эди. Машғулотлардан сўнг билим юртининг директори Меҳри Шарипова биринчи курс талабалари билан тарбиявий соат ўтказди.

Бу ишбилармон, қалби дарё аёлнинг дона-дона қилиб айтган сўзлари, панд-насиҳатлари ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Педагогнинг ўгитларидан курсдошлари қатори Маҳсуда Асадова ҳам қаттиқ таъсирланди. «Қани энди, мен ҳам шу опага ўхшаб моҳир ўқитувчи бўлиб етишсам» деди у директорга ҳаваси келиб.

Яхши ният яхши-да! Бу эзгу орзу Маҳсудани олга чорлади. Ўқиди, ўз устида мустақил ишлади. Билим юртини муваффақиятли тугатгач, ўзи тугилиб ўсган Пискент районига ишга келди. Киров номли мактабда унинг жўшқин педагогик фаолияти бошланди.

Еш ўқитувчи бошланғич синфда дарс берар экан, Меҳри опадан ўрганган иш усуллари қўл келди. У машғулотларни кўргазмали қуроллар ёрдамида содда ва тушунарли олиб боришга, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошишга ҳаракат қиларди.

Изланувчан зиёкор кўп ўтмай педагогик коллектив орасида танилди. Аммо, эгалланган билим, тўпланган тажриба унга озлик қилаётгандек туюларди. Ҳаётнинг ўзи шу! Киши ҳамиша олга интилиши даркор. Шу ўй-орзу билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кирди.

Бу сафар у қадрдон мактабга тарих ўқитувчиси бўлиб қайтди. Бидим ўчогида янги ташкил этилган тарих фани кабинетини турли қўлланма ва кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозлашга киришди. Улуғ доҳийимиз В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятига оид турли адабиётлар ва ҳужжатлар танланди. Совет жамияти тарихини ўзида акс эттирувчи материаллар келтирилди. Бу эса дарсларни янада қизиқарли ва мазмунли олиб бориш учун бой манба бўлиб хизмат қилди.

Мактабда тарих фанини ўқитиш бўйича маълум тажрибалар тўпланди. Ана шу илғор иш усул ва методларни жойларда ёйишда М. Асадованинг хизмати катта бўлди. У район мактаблари тарих ўқитувчиларининг доимий ҳаракатдаги семинарида, илмий-педагогик конференцияларда методик докладлар билан қатнашди. Ёш ўқитувчилар билан ўз тажрибаларини баҳам кўрди.

Кечаги шогирд мана энди моҳир мураббий. Ўз педагогик фаолиятини оддий бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бошлаган М. Асадова чорак асрдан ортиқ вақт мобайнида ёш алодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Бу орада у қанчадан-қанча толиби илмларга устозлик қилди, пухта билим бериб, уларни мустақил ҳаётга йўллади.

Тажрибали зиёкорнинг педагогик фаолияти ҳозир 1-ўрта мактабда давом этмоқда.

Чорак аср бўлибдики, ҳар йили у ёки бу синфга раҳбарлик қилади. Бу педагогик жараён унинг тарбиявий ишга бўлган талабчанлигини оширди, болалар руҳий оламини пухта ўрганишга ёрдам берди. У ота-оналар йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик кўрар экан, бола тарбиясининг муҳим томонларига эътибор беради. Оила ва мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзуларда докладлар қилади.

Шунинг учун бўлса керак, у раҳбарлик қилаётган синфларда тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмоқда. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши яхшиланиб бормоқда. Ўз синфи бўйича ўтган уч чорак ичида юқори ўзлаштиришга эришганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди.

Болалар меҳри билан яшаб, таълим-тарбия ривожига муносиб ҳиссасини қўшаётган бу моҳир педагог билан фахрланса арзийди.

Р. РАҲМОНОВ.



Ботир Қосимов пойтахтдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор токари. У смена топшириқларини мунтазам 120—130 процентга етказиб бажармоқда.

М. Нуритдинов фотоси.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

ОҒЗАКИ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

ЎНИНЧИ беш йиллик якунловчи йили биринчи квартали муваффақиятли якунланди. Жумладан, областимиз саноат корхоналарининг коллективлари меҳнат унумдорлигини режадагидек таъминлаш, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича квартал планини 28 мартда бажардилар. Пландан ташқари 25 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.

Ҳозир областимиз партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» ҳамда «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорларида белгилаб қўйилган муҳим вазифаларни амалга оширмоқдалар. Айни вақтда ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилишига бағишланган жуда муҳим материалларни ташвиқот ва тарғибот қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Эндиликда сиёсий агитация кадрлари КПСС Марказий Комитети (1979 йил) ноябрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI Пленуми қарорлари асосида коллективларда социалистик мусобақани кенг авж олдириш, доҳий юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш, Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида фаол қатнашиш масалалари билан боғлиқ бўлган оммавий-сиёсий тадбирларда актив иштирок этмоқдалар.

Ўлкамизда — баҳор. Дала меҳнаткашлари — пахтакорлар, сабзавоткорлар, боғбонлар, галлакорлар ва чорвадорларнинг иши қун сайин яна ҳам қизиб бормоқда. Шу муносабат билан уларнинг унумли меҳнат қилиши, дам олиши учун барча тадбирларни кўриш талаб этилади. Партия ташкилотлари, аввало, дала шийпонларини ремонт қилиш ва жиҳозлаш ишларини тугаллаб, ҳар бир шийпон ўзига хос оммавий-сиёсий ишлар марказига айланиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари даркор.

Кейинги вақтда матбуотда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда дағал ва ширадор ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида» қарори. (Марказий, республика, область газеталарининг 29 март сонлари) эълон қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ходимларининг 1980 йилги социалистик мажбуриятлари (республика ва область газеталарининг 20 март сонлари), областимиз қишлоқ хўжалиги ходимларининг социалистик мусобақаси шартлари, илғор чорвадорлар, сабзавоткорлар, пиллакорлар, маккажўхоринкорларнинг область партия комитети маъкулланган ташаббуслари босилиб чиқди (область газеталарининг 20, 25, 28, 29 март, 1, 2 апрель сонлари).

Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ана шу ташаббусларнинг кенг қўллаб-қувватланиши, энг яхши тажрибалар ўрганилиб, умумлаштирилиб, жорий этилиши борасида зарур тадбирларни кўришлари даркор.

Агитация кадрлари учун семинар ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Тинчлик учун толмас курашчига, КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилди (марказий, республика, область газеталарининг 1 апрель сонлари).

Меҳнатдаги ютуқларни кўпайтирайлик (область газеталари, 18 март).

«Оқ олтин»дан мўл ҳосил учун («Сельская правда» газетаси, 29 март сони).

Ленинчасига, коммунистчасига яшайлик, меҳнат қилайлик ва курашайлик. (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 4-сон, 3—11-бетлар).

Моҳнат — ижтимоий бойлик ўсишининг манбаи. («Ўзбекистон коммунисти», 3-сон, 11—20-бетлар).

Апрель ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

МАМЛАКАТ ИЧКИ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ.

Қишлоқ коммунистларининг жанговар вазифаси. («Партийная жизнь», 4-сон, 26—30-бетлар).

Ҳамма — коммунистик меҳнат байрамига. («Агитатор», 5-сон, 2—4-бетлар, «Ўзбекистон агитатори», 5-сон, 2-бетлар).

Сўз ва иш бирлиги. («Партийная жизнь», 6-сон, 31—35-бетлар).

Ленин ғояларининг мужассами. («Партийная жизнь», 4-сон, 3—11, 57—61-бетлар).

Ленин ғоялари ва ишининг тарихий аҳамиятлилиги. («Коммунист», 4-сон, 11—29-бетлар).

Совет халқининг шонли фарзанди. («Коммунист», 3-сон, 43—56-бетлар).

Яшаш, курашиш ва ғалаба қозонишни унинг китобларидан ўрганамиз. («Политическое самообразование», 3-сон, 21—27-бетлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ.

План ва ишлаб чиқариш коллективи. (КПСС МК журнали, «Партийная жизнь», 4-сон, 30—34-бетлар).

Меҳнатни ташкил қилишнинг биринчи даражали вазифаси. («Коммунист», 3-сон, 3—14-бетлар).

Ўзбекистон — СССРнинг ягона халқ хўжалик комплексида. («Ўзбекистон коммунисти», 3-сон, 21—25-бетлар).

Ленин йўлидан. Рақамлар ва фактлар. («Политическое самообразование», 3-сон, 36—44-бетлар).

КПСС аграр сиёсати амалда. («Партийная жизнь», 6-сон, 12—16-бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Буржуа пропагандасининг синфий моҳиятини фош этиб. («Партийная жизнь», 4-сон, 62—65-бетлар).

Ильич овози абадиятга сақлаб қолинди. («Агитатор», 5-сон, 35—37-бетлар).

Коммунизм қурувчисининг сиёсий маданияти. («Правда» 27-март сони, «Совет Ўзбекистони», 29-март сони).

Ривожланган социалистик жамиятда миллий муносабатлар. («Ўзбекистон коммунисти», 3-сон, 51—60-бетлар).

Жамоатчиликка таяниб. («Партия турмуши», 3-сон, 74—77-бетлар).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

Ленинча тинчлик сиёсати. («Международная жизнь», 3-сон, 3—21-бетлар).

Совуқ уруш қайтарилишига йўл қўйилмасин. («Проблеми мира и социализма», 3-сон, 3—8-бетлар).

АҚШ: гегемонизм сиёсати. («Молодой коммунист», 2-сон, 85—90-бетлар).

Антикоммунизм — тинчлик ва тараққиётнинг энг ёвуз душмани. («Партийная жизнь», 5-сон, 75—79-бетлар).

Хитой: ички вазиятнинг баъзи бир йўналишлари. («Коммунист», 3-сон, 95—106-бетлар).

ЭСЛАТМА: суҳбат ва сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий мисоллар, факт ва рақамлардан фойдаланинг.



ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЎҒИТ

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шох йўлларидан пландан ташқари 15 минг тонна ўғит жўнатилди. Корхона коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига қўшимча равишда ўшанча маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган эди.

Меҳнатдаги бу муваффақиятга ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, технология режимига қатъий риоя қилиш туфайли эришилди. Химиклар меҳнат унумдорлигини оширишнинг ана шу резервлари ҳисобига Ильич туғилган кунгача Ўзбекистон деҳқонларига пландан ташқари яна уч минг тонна ўғит жўнатишга қарор қилдилар. Ана шу маррага эришишда Коммунистик шанбаликда салмоқли ҳисса қўшилади. Шанбаликда ишчилар, инженерлар, мастерлар, меҳнат ветеранларидан 6,5 минг киши қатнашади. Бу эса ўтган йилдагидан 600 киши кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири). Чирчиқ.

Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз сабзаворкорлари шаҳар аҳолисини йил давомида янги маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш учун курашмоқдалар. Айни кунларда теплица хўжалиги сабзаворкорлари сифатли пишиб етилган помидорларни пешма-пеш териб олиб харидорларга жўпатмоқдалар. Суратда: илғор сабзаворкорлардан Р. Акромова, А. Аъзамовалар комбинат директори А. Ғуломмаҳмудов билан ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. Мальцев фотоси.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа ҳил деҳончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги шавқатли меҳнати ва Бугуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Мамажунусов Турдали — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Маматқулова Холдор — Бекобод районидаги «Далварзин» совхози ишчиси.

Маматов Хўжақул — Бўка районидаги К. Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Мамедов Шукур Бакирович — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози участка бошлиғи.

Маниёзов Раҳмат — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози бош инженери.

Мансурова Зулфия — Пискент районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Марлянов Николай Григорьевич — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтининг экспериментал хўжалиги ишчиси, Янгийўл райони.

Марҳабоев Абдурашит — Коммунистик районидаги «Правда» колхози бригада бошлиғи.

Масобиров Мамарасул — Халқ депутатлари Бекобод район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Маткаримова Муқаддас Муҳамедовна — Оққўрғон районидаги Гагарин номли 10-мактаб ўқувчиси.

Маҳаматкаримова Жамила — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Маҳкамов Собит — Коммунистик районидаги «Коммунист» совхози ишчиси.

Маҳкамов Файзулла Саъдуллаевич — Коммунистик районидаги «Верхний Чирчиқ» совхози бригада бошлиғи.

Машаробов Аширали Рўзиевич — «Госкомсельхозтехника» Оҳангарон район бирлашмасининг бульдозер машинисти.

Машарипова Муқаддам — Теплицалар қурилиши ва улардан фойдаланиш комбинатининг сабзаворкор мастери. Қалинин райони.

Милохова Ираида Петровна — Ўрта Осиё пиллачилик илмий-текшириш институтининг кичик илмий ходими, Қалинин райони.

(Давоми. Боши газетамизнинг ўрган сонларида).

Мирбадалова Хаитма — Бўка районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Мирзаахмедова Насиба — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Мирзаева Минавша — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Мирзаева Шарофат — Ўрта Чирчиқ районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Мирзақулов Эшмат — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз сувчиси.

Мирзалиев Мейманқул — Бўстонлиқ районидаги «Новгород» совхози тракторчиси.

Мирзаҳмедов Абдуқодир — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз звено бошлиғи.

Мирмақсудов Миржалол — Ўзбекистон Компартияси Оржоникидзе район комитетининг инструктори.

Мирсандов Мираъзам — Коммунистик районидаги «Коммуна» совхози ишчиси.

Мирсолиев Турсунбой — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бригада бошлиғи.

Миртурсунова Турсун — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Мирхантов Анорбой — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози тракторчиси.

Михралиева Зайда — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Муваззамова Маҳпурат — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Мулдашева Ғулой Қаюмовна — Тошкент районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

Мўминжонов Ахмат — Бўстонлиқ районидаги «Ҳўжакент» совхози ишчиси.

Мўминов Зиёхмат — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози раисининг муовини.

Мўминова Назира — Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз аъзоси.

Мўминова Шаноат — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Мунисхонова Манзура — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози ишчиси.

Муродов Мамед — Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Муродова Ҳидоят — Давлат статистикаси Пискент район информация-ҳисоблаш станциясининг экономисти.

Мусаев Турдали — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Мусаева Жамол — Ғалаба районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Муҳамедова Гулнора Абдураҳмоновна — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Мухитдинов Жалолитдин Салохович — «Госкомсельхозтехника» Калинин район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Нодиров Турдибой — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе совхози трактор чиси.

Назимова Ҳупзамол Шарафулловна — Калинин районидаги «Ўзгариш» совхози ишчиси.

Назиров Азимбой — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози сувчиси.

Назиров Тўлқин — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози тракторчиси.

Норбоева Ширин — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Нарзиқулов Раззоқ — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз тракторчиси.

Наримбоев Ислом Бозорбоевич — Коммунистик районидаги Охунбобоев номли совхоз тракторчиси.

Норқулова Фотима Турдиқуловна — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг студенткаси. Оржоникидзе райони.

Нигматов Ҳамидулла — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози шофери.

Нигзова Азамат — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Нормуҳамедов Рустам — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

Норалиев Эргаш — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори.

Нурматова Ҳакима Мамаказаровна — Бўка районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Отабоева Латофат — Бекобод райсимдаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Пак Юрий Петрович — Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхози трактор чиси.

Примқулов Ғафур — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози сувчиси.

Раззоқов Абдурашид Саторович — Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг секретари.

Раимқулов Холбой — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз марказий устахонасининг мудири.

Раҳимбердиев Султон — Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози ишчиси.

Раҳмонов Баён — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз бригада бошлиғи.

Рисбоев Абдукарим — Халқ депутатлари Пискент район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Рисқулова Шаҳри — Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз аъзоси.

Рихсиева Мукаррам — Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

Руденко Валентина Ивановна — Тошкент область нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг катта экономисти.

Рўзиматов Қўзибой — Ўзбекистон Компартияси Чиноз район комитетининг инструктори.

(Давоми бор).

ЭСТРАДА САНЪАТИ ҒУНЧАЛАРИ

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР ИЖОДИГА КЕНГ ЙЎЛ

ОҚҚУШДАЙ оппоқ либосдаги бир қиз жўшиб қўшиқ айтмоқда. Унинг ширали, ёқимли овози, гоҳ қуй оҳангига монанд чайқалиши, гоҳ қўшиқ авж пардаларига келганда қўлларини оққуш қанотларидай силкитишлари бирам ярашардики, беихтиёр томошабинларни ўзига жалб этганди. У бахтиёр замондаги муҳаббат ҳақида куйлар, висолга талпинаётган қиз қалбининг қайнаб-тошаётган туйғуларини қўшиқ тилида ифода қиларди...

Ўтган дам олиш кунлари Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг ҳашаматли маданият саройи одатдан ташқари гавжум бўлди. Тошкент область ижроия комитетининг Маданият бошқармаси, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг ташаббуси билан бу ерда бадиий ҳаваскорлик коллективлари ва яккахон ижрочиларининг эстрада санъати бўйича II область конкурси ўтказилди.

Саҳнага бирин-кетин Бекобод, Бўка, Ғалаба, Оққўрғон ва Коммунистик районларининг бадиий ҳаваскорлари чиқиб жонажон партия ва Ватан, бахтиёр ёшлик, муҳаббат, меҳнат мавзуидаги қўшиқларни ўзларига хос маҳорат билан ижро этдилар.. Айниқса, Бекобод район маданият уйи қошидаги «Нюанс» ансамблининг солисти М. Самадова ижро этган «Бўғмача билагим» қўшиғи, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози маданият уйининг В. Лим етакчилигидаги вокал-чолғу ансамбли, шу район маданият уйининг «Бахт» вокал-чолғу ансамблининг солисти К. Утибоев ижро этган «Куйлайман», «Кристина», «Менга оҳанг танланг» қўшиқлари, Свердлов номли колхозининг «Пяк-ким» («Оқ олтин») ашула ва рақс халқ ансамблининг чиқишлари, уларнинг хушовоз хонандалари — С. Югай ва Ж. Ишматова ижро этган қўшиқлар, район маданият уйи қошидаги цирк коллективи (бадиий раҳбари Э. Болтаев)нинг санъатлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Ғалаба район маданият уйи вокал-чолғу ансамбли хушовоз солисти К. Абуовнинг ижрочилик маҳорати жюри аъзолари эътиборини қозонди. У куйлаган «Фироқ эттими» (Ғ. Тошматов мусиқаси, Э. Охунова шеъри) ва қозокча «Дўмбира балладаси» қўшиқлари ҳам барчага манзур бўлди.

Эстрада конкурсининг иккинчи куни асосан область йирик саноат марказларининг бадиий ҳаваскорлари, эндигина эътибор қозонаётган вокал-чолғу ансамблари ўз санъатларини намойиш этдилар.

Чирчиқ шаҳар Металлурглари маданият саройидаги «Кристалл» вокал-чолғу ҳалқ ансамблининг довруғи эстрада санъати мухлисларига анчадан бери маълум. Ансамбль репертуари бой ва ранг-баранг. Ундан Иттифоқимизнинг таниқли композиторлари асарлари билан бирга республикамиз бастакорларининг ҳам қўшиқлари жой олган. Ансамбль фақат шу билан кифояланмай, ўзбек халқ қўшиқларига ҳам мурожаат этиб келмоқда. Конкурсда янграган «Биринчи кор» (Э. Қаландаров мусиқаси, Қ. Сандмуродов шеъри) қўшиғини ансамбль шу куни биринчи марта ижро этди. Шаҳардаги «Химик» маданият саройи (директори А. Нестеренко, бадиий раҳбари А. Ниёзов) ҳамиша ишчи ва хизматчилар билан гавжум бўлади. Маъмурият бадиий ҳаваскорлар фаолияти учун барча шароитни яратиб, тўгаракларга профессионал билимга эга педагогларни жалб этгани ўз самарасини бермоқда. Бу жўшқин фаолият, аниқроғи, маданият саройининг «Аэлита» қизлар вокал-чолғу ансамбли (раҳбари С. Левита) ижро этган қўшиқларда, «Юзель» вокал триосининг ўзбекча ва русча қўшиқларида, «Улибка» рақс коллективининг ўзига хос санъатида, «Рассвет» цирк коллективи (раҳбари С. Соловьев)нинг чиқишларида ўз ифодасини топди.

Бу ердаги «Ритм» вокал-чолғу ҳалқ ансамблини эстрада шинавандалари яхши билишади. Коллективнинг маҳорат билан ижро этган «Онажамин» ва «Ғалаба» қўшиқлари ансамблнинг ижрочилик савияси Иттифоқ миқёсидаги машҳур эстрада коллективларидан қолишмаслигини кўрсатди. Ансамбль ўтган йили юксак ижрочилик фаолияти учун Тошкент область комсомолига қатъий риоя қилишларининг самарасидир...

Ҳа, «Ритм» ансамблининг шуҳрати машаққатли изланишлар эвазига ўсиб бормоқда. Унинг репертуаридан А. Пахмутова, Д. Тухманов, Э. Қаландаров, Э. Солиҳов, Ф. Зокиров каби композиторларнинг замонамиз нафасига йўғрилган қўшиқлари жой олган. Ансамбль янги программалари билан тез-тез «Электрохимпром» бирлашмасининг цехларида ўз санъатларини намойиш этиш учун ишчи ва хизматчиларнинг меҳмони бўлиб туришади.

Янгиобод шаҳар марказий маданият уйи қошидаги «Метраном» вокал-чолғу ансамбли (раҳбари В. Кираковсян)нинг жаз оркестри ижросида бастакор С. Юдаковнинг «Карнавал кечаси» куйи коллективнинг маҳорати профессионаллар даражасидан қолишмаслигини намойиш этди.

Янгийўл шаҳридаги «Лазгат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасининг вокал-чолғу ансамбли (раҳбари Б. Добрушкин) анча ёш коллектив бўлишига қарамай, уларнинг ижрочилик шуҳрати республика миқёсига таралди. Ёш ижодкорлар республика областлари ва ҚҚАССР телефестивалининг якунловчи концертида иштирок этишга муваффақ бўлишди. Ёш эстрада талантлари репертуар ранг-баранглигига алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар конкурсда куйлаган «Тугмача гул» ўзбек халқ қўшиғи ва Н. Богословскийнинг «Соч» қўшиқлари ансамблнинг келажакда катта ютуқларни қўлга киритишига умид уйғотади.

Олмалиқдаги химия заводининг «Гўзал» вокал-чолғу ансамбли (раҳбари Б. Тохшаҳдинов) ижро этган «Салом — ассалом», «Россия», «Номаълум солдатга қасида» қўшиқларининг яратилишида иқтидорли ижрочи ва бастакор Б. Тўхтахуновнинг ҳиссаси катта. У ўзидаги профессионал билимини коллективга ўргатишдан чарчамайди. Камтарин ва санъатга садоқатли бу йигитдан ансамбль ҳали кўп нарса олса бўлади.

Бадиий ҳаваскорларнинг иккинчи эстрада санъати конкурси областимизда КПСС Марказий Комитетининг «Бадиий ҳаваскорлик ижодиётини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига жавобан катта ишлар қилинаётганлигини, район ва шаҳарлардаги маданият уйлари, йирик саноат бирлашмаларининг Санъат саройларида халқ талантларининг тарбиясига жиддий эътибор берилаётганини, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг ижрочилик маҳорати кундан-кунга ўсаётганлигини кўрсатади.

— Албатта, изланишлар камчиликларсиз бўлмайди. Эстрада конкурсида қатнашган 230 дан ортиқ ҳаваскорлик коллективларининг ижрочилик савияси ҳар хил, лекин аввалги конкурсга қараганда анча ўсганлиги сезилиб турибди, — дейди конкурс жюри аъзоси, композитор Э. Қаландаров. Келгусида яккахон ижрочиларнинг репертуарида маҳаллий бастакорларнинг асарларини кўпроқ эшитишни истардик.

Биз область II эстрада санъати конкурси ғолиблари — Коммунистик районидан Н. Утибоев, С. Югай, Бекобод районидан М. Самадова, Бекобод шаҳридан Р. Минихонова, чирчиқлик Р. Шимонов, Олмалиқ шаҳридан Н. Чеховский, Бўстонлиқ районидан А. Абенов каби солистларни, «Лазгат», «Кристалл», «Аэлита», Янгиободдаги «Метроном», Бекобод шаҳар маданият уйи қошидаги чолғу ансамбли, Янгиобод шаҳар маданият уйи ва Коммунистик район «Ўзбекистон» колхози рақс ансамблари каби коллективларни самимий табриклар эканмиз, область-имизда халқ талантлари эстрада санъатининг гуллашига умидвормиз.

Р. ҒАНИЕВ.

ОРАСТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Меҳнаткашларга кўрсатилаётган коммунал хизмат ҳақида гапирганимизда аввало ушбу кунда унинг форма ва методлари такомиллашганлиги, турлари бенихоя кўпайганлиги ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Дарҳақиқат юксак дидли совет кишисининг талаб-эҳтиёжларини қондириш учун йил сайин изланишимиз, фаолиятимизда янгилик ва ўзгаришлар ясашимиз даркор.

Ўтган йили областимиз турар-жой ва коммунал хўжалик корхоналари социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари шараф билан бажардилар. Аҳолига пландан ташқари 142,3 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Область бўйича умумий фойда олиш плани 102,6 процентга уддаланди. «Облводоканал» корхоналари йиллик планни 101,6, меҳмонхона хўжаликлари 103, санитария-тозалаш корхоналари 102,7, кўкаламзорлаштириш комбинати эса 106,5 процент қилиб бажардилар. Гражданларга хизмат кўрсатиш ва техника инвентарлари бюролари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Область ремонт қурилиш трестининг ходимлари қурилишмонтаж пудрат ишларини 106 процент қилиб адо этишди.

Буларнинг ҳаммаси областимизда турар-жой, коммунал хўжалигини ривожлантиришга партия ва ҳукуматимизнинг тинимсиз эътибор бераётганлиги туфайлидир. Сўнгги тўрт йил мобайнида ушбу мақсадлар учун 61 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада кўплаб километр узунликдаги канализация тармоқлари, ичитиш системалари қурилди, кўчаларни ёритиш системалари, газ тармоқлари ўтказилди. 30 минг квартира, шу жумладан қишлоқ жойларида 18 минг квартира газлаштирилди.

1979 йилда эса уч клуб, 27 болалар майдончаси ташкил этилиб, уларга 35 минг сўм маблағ сарфланди, 201 та йўловчилар кўприги, 216 павильон ҳамда автостанциялар қурилди ва қайтадан ремонт қилинди. «Яшил дўстлар»имиз сафи яна 70 мингга кўпайди. Меҳнаткашлар истироҳати учун 41 та парк ва ҳиёбонлар янада гўзаллаштирилди.

1980 йилни ҳам муваффақиятли бошладик. Икки ойлик давлат планлари 104 процентга етказиб бажарилди. Ангрен, Бекобод, шаҳарлари, Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ район коммунал хўжалик бошқармаларида мусобақа тобора авж олаяпти. Белгиланган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этдик. Аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини янада юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларимизнинг ҳамма пунктлари кўнгилдагидек бажарилаяпти.

М. МИРҲЎЖАЕВ,
Область коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БАБРАК КАРМАЛ БИЛАН СУҲБАТ

БОНН, 3 апрель. (ТАСС). Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси, Бош министр Бабрак Кармал империализм ва реакция кучларининг Афғонистон Демократик Республикасига қарши ҳаракатларини кескин танқид қилди.

У Ғарбий Германияда чиқадиган «Шпигель» журнали мухбири билан суҳбатда Афғонистон халқ демократик партияси ривожи давомида, афсуски, унинг сафларига Марказий разведка бошқармасининг агенти Амин сукилиб кирганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар борлигини, Амин революцияни нотўғри йўлдан бошлаб борганлигини уктириб ўтди.

Марказий разведка бошқармасининг бу агенти мудҳиш жиноятларни мўлжаллаб қўйган ва бундан анча кисмини амалга оширган. Афғонистонни чет давлатлар ўртасида бўлиб олиш плани мавжуд бўлган. Афғонистоннинг жанубий ва шарқи-жанубий қисмини Покистонга, шимолий районларни, жумладан Бадахшон билан Тахарни Хитойга бериш мўлжалланган. Қобулга эса Марказий разведка бошқармасининг итоатгўй кўғирчоғи жаллод Аминни қўйиш мўлжалланган.

Амин ўзининг хоинона сиёсатини мамлакатимиз тарихида мисли кўрилмаган жазолаш йўли билан амалга оширган. Диний арбоблар, миллий буржуазия вакиллари, ўрта ҳол синфлар, савдогарлар, ишчилар ва деҳқонлардан иборат ўн минглаб ватанпарварлар Марказий разведка бошқармасининг, шу региондаги реакция қора кучларининг буйруғига биноан ва Хитойнинг иғвогарликлари оқибатида ёппасига кириб ташланган. Ўн минглаб кишилар турмалардаги қийноқ камераларида ҳалок бўлганлар. Мана шу вахшийларча қийнашлар натижасида Афғонистон халқ демократик партияси аъзолари орасидангина 4500 ватанпарвар ҳалок бўлган, қарийб 8 минг киши қамоқка олинган.

Бабрак Кармал совет қўшинларининг чекланган қисми Афғонистонда бўлганлиги масаласига тўхталиб, улар резерв куч эканлигини, Покистон территориясидан сукилиб кирган босмачи шайкаларга қарши уруш ҳаракатларини АДР халқ қуролли кучлари олиб бораётганлигини айтди. Мен ишонаманки, деди сўзини давом эттириб Афғонистон раҳбари, Покистонда ақл-идроқ галаба қозонади ва бу ерда агрессорларнинг киркиторларига чек қўйишга киришилади. Биз қўшиларимиз билан, айниқса Покистон ва Эрон билан тинч-тотув яшашни истаймиз. Биалар қардош халқларимиз.

Бабрак Кармал ғўё Афғонистонда бутун-бутун қишлоқлар вайрон қилинаётганлиги ва заҳарловчи газлар қўлланилаётганлиги тўғрисидаги империалистик пропаганда тўқиган мудҳиш уйдирмаларни рад этди. Булар ҳаммаси ғарбдаги оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ёлғон гаплар, афғон халқига қарши жирканч пропагандадир. Чунки империалист монополиялар ва Хитой гегемончиларининг ўзлари худди шундай жиноятларни, масалан Вьетнамда килган эдилар. Улар бутун дунёда энг инсонпарвар, энг тинчликсевар куч — Совет Иттифоқига бўҳтон қилишга уринмоқдалар, деб таъкидлади Афғонистон раҳбари.

ДЎҚ-ПЎПИСА ВА ТАҲДИД КАМПАНИЯСИ

ВАШИНГТОН, 3 апрель. (ТАСС). Қўшма Штатлар Эронга қарши дўқ-пўписа ва таҳдиддан иборат иғвогарлик кампаниясини жонсуслик билан давом эттирмоқда. Оқ уй вакили матбуот конференциясида сўзга чиқиб, «бизнинг тоқатимизнинг ҳам чегараси бор» деб яна Теҳронни огоҳлантирди. У сўнгра таҳдид қилиб айтдики, «бартараф этишга эришилмаган ва Эрон маъмурлари Америка элчихонаси ходимларини озод қилмаган тақдирда Оқ уй ўз тадбирини қайта кўриб чиқади». Маълумки, Америка элчихонасининг ходимлари жосуслик шубҳа қилиниб 131 кундан буён ушлаб турилибди. Обзорчилар ана шу гапни агар Эрон Америкаларга тазйиқига ён бермаса, унга қарши Вашингтон ҳарбий куч қўлланиш ниятида эканлигини тасдиқлайдиган гап, деб баҳоладилар.

Айни вақтда Қўшма Штатлар Эронга бевосита қуролли аралашувга тайёргарлигини активлаштирмоқда. Шимолий Каролина штатидаги Форт-Брэгге ҳарбий базасининг қўмондонлиги Пентагон апрелда «тез чора кўриш корпуси»нинг олти кунлик маневрларини ўтказишга қарор берганлигини эълон қилди. Ана шу маневрларда АҚШ денгиз пиёдалари, ҳарбий ҳаво, ҳарбий денгиз ва қуруқликдаги кучлари составидан ўн минг солдат ва офицер иштирок этади.

База вакилининг айтган гапларига кўра, маневрларни ўтказиш интервенциячи «тез чора кўриш корпуси»ни сафга киритиш жараёнини жадаллаштириш имконини беради. Маълумки, ана шу корпус дунёнинг турли районларида ва дастлавал Форс кўрфази райёнларида ҳаракат қилиш учун мўлжалланган.

ЧАДДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 3 апрель. (ТАСС). Чад пойтахти Нжаменадан олинган хабарларга кўра, ҳозирги вақтда халқаро аэропорт райони билан шаҳар марказида ўтказилган миллий бирлик ҳукуматига киришувчи бир-бирларига муҳолиф ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўртасида айниқса шиддатли жанглар авж олиб кетди. Иккала томон шу асосий районлар устидан назоратни қўлга киритиш пайидан бўлмоқда.

Суданнинг Чаддаги бош консули Аҳмад Ҳамза Нжаменада халок бўлди. У ўқ узилиб турган зонада қаттиқ жароҳатланиб нобуд бўлди. Чет эл информация агентликларининг хабарларига кўра, кейинги икки ҳафта ичида мамлакатда жами 1500 га яқин киши халок бўлган, 2 мингдан кўпроқ киши жароҳатланган.

ЯУНДЕ, 3 апрель. (ТАСС). Чаддаги уруш қўшни мамлакатлар учун жиддий проблемаларни вужудга келтирмоқда ва умуман Африканинг шу регионида кескинлик келтириб чиқармоқда. Яундеда чиқадиган «Камерун трибюн» газетасининг ёзишича, Камерунининг аҳолиси 13 минг киши бўлган чегара шаҳри Куссери районига Чаддан юз мингдан кўп қочоқлар ўтган. Улар муваққат лагерларда жойлашмоқдалар.

Камерун президенти А. Ахижо Чаднинг бир-бирларига муҳолиф ҳарбий-сиёсий гуруҳларига яна мурожаат этиб, уруш ҳаракатларини тўхтатишга даъват этди. БМТ қочоқлар иши билан шуғулланувчи олий комиссариати бошқармасининг вакили Женевада гапириб, Чаддан ўтган қочоқларнинг ҳозирги аҳволини кўриб чиқиш учун Камерунга комиссия юборилади, деди. БМТ қочоқларга ёрдам кўрсатиш мақсадида дарҳол чоралар кўрмоги лозим, деди у.



ВЬЕТНАМ. Социалистик Республикаси меҳнаткашлари янги жамиятни бунёд қилишда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, аввало, СССРнинг қардошларча мададига таянмоқдалар. Ҳозиргача Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан Вьетнамда 200 га яқин йирик объект қурилди. Суратда: Совет мутахассислари вьетнамлик ҳамкасблари билан СССР кўмагида қурилаётган Бимшон цемент заводида.

ТАСС махсус мухбири Б. Кавашкин фотоси.

7 АПРЕЛЬ—ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...

ТАМАКИНИ биринчи марта Европага Христофор Колумб XVI аср бошларида олиб келди. Унинг кемаси 1492 йилда Атлантика оролларидан бирида тўхтайди. Улар шу ерлик аҳолининг орзида баргдан ўралган ҳайчани кўрадилар. Маҳаллий аҳолидан бу нима деб сўрайдилар. Буни улар «табако», «сигаро» деб атайдилар ва дўстлик нишонаси сифатида денгизчиларни шу «табако» билан меҳмон қиладилар. Шундай қилиб, матрослар «табако»га ўрганадилар ва чекиш «пионерлари» бўладилар.

Тамаки баргида жуда кўп органик моддалар бўлиб, чекилганда унинг қуруқ ҳайдалиши рўй беради ва тутуни билан киши организмига тушади. Тамакининг таркибида никотин, ис гази, аммиак ва бошқа заҳарли моддалар бор. Чекиш вақтида ана шу моддалар киши организмига тушиб, уни сезиларсиз аста-секинлик билан заҳарлаб боради.

Биринчи бор чеккан кишида нохуш ҳис пайдо бўлади. Кўнгли айнайди, қусади, боши айланади, ранги оқариб кетади. Лекин, шундай аҳволда бўлишига қарамай, бу «қаршиликлар»ни енгиб ёки «олифтагарчилик» қилиб аҳоллари нима бўлишини ўйламай чекаверади баъзилар.

Мана бир мисол. Бир киши қўшнисиникига (у врач эди) кўрқиб, қаяжонланиб кириб келади. «Кечирасиз доктор, ўғлим касал бўлиб қолди, уни бир кўриб қўя олмайсизми?»— дейди. Врач уни олдига чақиради. Унинг ранги оқариб кетган, кўзлари юмуқ эди. Энтикиб-энтикиб нафас олар, пешонасини тер қоплаганди. Ўғлидан врач нима бўлганлигини сўрайди. У боши оғриётганини, томоғида, меъдасида ва қизилўнгачида нохуш сезги бўлаётганлигини айтади. Врач у қаторасига бир нечта папирос чекканлигини айтади. Маълум бўладики, у никотин билан ўткир заҳарланган экан.

Тамаки тутуни нафас йўлларининг яллиғланишига, товуш бойламлари катарига, бронхлар ва бронхиолаларнинг сурункали яллиғланишига сабаб бўлади.

МАШҲУР шахматчи А. Алёхин никотин хотирани сусайтиради, иродага ва ақлий қобилиятга салбий таъсир қилади деб айтган эди. У тамакини ташлагандан сўнг, жаҳон биринчилиги учун курашишга ишонганини билдирди.

Яна бир мисол. Қабул охирлашиб қолган эди. Врач ҳузурига ўртачадан келган, қотма сочлари апил-тапил таралган эркак киши кириб келди. Оғзидан келаётган ҳидга ва тишларининг сапсариғлигига қараб, ташанда эканлиги маълум бўлди. У кечаси яхши ухламаслиги, иштаҳаси йўқлиги, юрагини нохуш сезишини, оёқ-қўлларини музлаб қолишини айтиб, эрталабларни қаттиқ йўталишидан ва салга чарчаб қолишидан шикоят қилди. Врачнинг саволларига жавобдан маълум бўлдики, бу киши 20 йилдан бери чекар экан. Врач унга «Сиздаги ҳамма касалликларни чекишингиз туфайли, агар чекишни ташласангиз, ярим йилдан кейин таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетасиз», деди.

Бемор бу дард чекиш билан боғлиқ эканлигига ҳеч ишонмаганди. Чекишни давом эттираверади, охирида аҳволи жуда оғирлашгандан сўнг ташлашга мажбур бўлди. Мунтазам равишда гимнастика билан шуғулланди, рангига қизил кирди, бақувватлашди ва касаллик аломатлари йўқолиб кетди.

Афсуски, чекишнинг организмга таъсири қанчалар ёмон эканини била туриб, кўпчилик одамлар «хавасга» ёки тақлид қилиб чекадилар ва ўн-ўн беш йил ўтгач, аҳволлари нима бўлишини ўйламайдилар.

Тамаки чекувчининг организмига, чекишга одатланишига, тамакининг кучига, миқдорига қараб турлича таъсир кўрсатади. Тамаки тутуни билан тўйинган уйнинг ҳавоси айниқса чақалоқлар учун жуда хавфли ҳисобланади. Бундай ҳавода гўдак безовталанади, ичи кетади, иштаҳасини йўқотади, ёмон ухлайди. Шунинг учун биз никотинни организм тўқималари учун энг кучли ва энг таъсирчан заҳар деймиз.

БУНИ кўра била туриб, айрим кишилар кичкинтой ётган хонада сигарета чекиб, хона ҳавосини тутун билан тўлдирадилар. Ундан ажралиб чиққан ис гази гўдакнинг нафас йўли билан қонига сўрилиб, танада кислородни камайтиради.

Сурункали чекилган сигаретадаги никотин аста-секин ўзининг билинмас таъсирини асаб тўқималари ва ҳужайраларига, қон томирларига ўтказади, ҳамма организмда оғир асоратлар пайдо қилиб, киши умрини қисқартиришга олиб келади.

Булардан ташқари тамаки тутуни таркибида яна бир модда борки, уни биз канцероген деб атаймиз. Бу модда таъсирида кўпчилик чекувчиларнинг ўпкасида, томогида рак ўсиши вужудга келиши мумкин.

Тутун билан ичкарига кирган никотин таъсирида мия томирлари тезроқ ишдан чиқиб тораяди, натижада қоннинг мияга бориши камаяди. Шу билан бирга кишининг хотираси пасаяди.

Машҳур фан арбоби Нотнаглнинг ёзишича, хасталик кўпинча юракдан бошланади. Зеро, тамаки чекканда юракнинг нормал ишлаши мумкин эмас.

Юрак торайганда ўзидаги қонни артерия қон томирларини орқали бадданнинг ҳамма томонларига юборади, кенгайганда эса вена қон томирлари орқали қонни ўзига қабул қилади. Тамакининг тутуни ичидаги никотин юракни гўё қамчилагандай бўлиб, унинг уриш зарбини ҳаддан ташқари тезлаштиради. Бундан юрак чарчайди, кучсизланиб, барвақт ишдан чиқади.

Гапнинг қисқаси, чекиш нафас олишни бузади, бронхда астмасининг туғилишига ҳам сабаб бўлади. Ҳатто ўпка тўқимаси яллиғланиб, унинг иш фаолияти бузилади.

Тамаки кўз ва қулоққа ҳам ёмон таъсир кўрсатади, ёш организмни заҳарлайди. Кўриниб турибдики, чекиш инсон саломатлигини ёмонлаштиради. Узоқ умр кўрай десангиз, чекишни ташланг!

Бу йилги жаҳон саломатлик куни «Чекишми ёки соғлиқ, қай бири афзал?» деган шиор остида ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Чекиш инсон соғлигига кони зарар эканлигини сира унутмайлик!

Н. ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

Қ. СОДИҚОВ,
Область санитария маърифи уйининг врач-методисти.



Тошкентда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этаётир. Бу муҳим тадбирда барча ташкилот ва муассасалар фаол иштирок этишмоқда. Суратда: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг студентлари бўлажак болалар паркида шанбалик ўтказишмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Спорт

БИРИНЧИ ЎИН,

БИРИНЧИ ТЎПЛАР

Футбол бўйича мамлакат 43-чемпионати старт олди. Мамлакатимизнинг тўққиз шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда бор-йўғи 13 та тўп киритилди. Бунинг 9 тасини майдон эгалари, 4 тасини эса меҳмонлар киритишди. Уч ўйин мезбонларнинг фойдасига тугаган бўлса, фақат бир учрашувда меҳмонлар устун келишди. 5 та матч эса дуранг бўлиб тугади. Бунинг 4 тасида футбол мухлислари гол кўролмай стадиондан «қуруқ» қайтишди.

«Пахтакор» Москванинг «Динамо» футболчиларини қабул қилди. Шуни айтиш керакки, учрашувни кўтаринки рухда бошлаган тошкентликлар тўртинчи минутдаёқ рақиб дарвозабони Гонтарни доғда қолдиришди. Марказдан рақиб штраф майдонига ёриб кирган «Пахтакор» ҳужумчилари яратилган имкониятни қўлдан бой беришмади. Шоймардонов узатган тўпни қабул қилиб олган Нортожиев уни дарвозага йўналтирди. Стадионга йиғилган 30 мингдан зиёд томошабин майдон эгаларининг биринчи муваффақиятини олқиш билан қарши олишди. Лекин пойтахт динамочилари биринчи бўлим ўрталарида вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Иккинчи бўлим деярли тенг кураш остида ўтди. Лекин ҳимоячиларимизнинг иккита хатоси командамизга қимматга тушди. Аввалига Газзаев, сўнгра эса Якубик «Пахтакор» дарвозасига тўп киритиб, командасига ғалаба келтирди. Учрашувнинг сўнгги минутларида актив ҳужумга ўтган тошкентликлар икки марта жуда қулай имконнятни бой беришди. 2:1 ҳисобида «Динамо» ғолиб келди.

Биринчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Черноморец» — «Спартак» — 0:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минск) — 0:0, «Қайрат» — «Зенит» — 2:0, «Динамо» (Киев) — «ЦСКА» — 3:0, «Арарат» — «Кубань» — 1:0, «Нефтчи» «Торпедо» — 0:0, «Шахтёр» — «Локомотив» — 2:2, «Карпат» — СКА — 0:0.

●

ТОШКЕНТЛИКЛАР

УСТУНЛИГИДА

Бухородаги «Спартак» стадионида миллий кураш бўйича ўсмирлар ўртасида «Буревестник» кўнгилли студентлар спорт жамияти Ўзбекистон Советининг биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг турли область ва шаҳарлари терма командалари сафида 80 га яқин полвон қатнашди. 10 та вазнда чемпионлик шохсупасига чиққанларнинг 5 таси тошкентликдир. Булар Б. Ҳазратов (52 килограмм), А. Чоршанбиев (62 килограмм), Н. Сафаров (90 килограмм), С. Медведев (100 килограмм) ва А. Алимов (100 килограммдан зиёд вазнда). Қолган вазнларда хоразмлик З. Отажонов, бухоролик Б. Одинаев, самарқандлик П. Қўшоков, Э. Худойбердиев ва Д. Эшниёзовлар жамият чемпиони бўлишди.

Умумкоманда ҳисобида 33 очко тўплаган Тошкент шаҳар командаси биринчи бўлди. 23,5 очко олган пойтахт области вакиллари иккинчи ўринни эгаллашди. Турнир давомида Баҳриддин Ҳазратов, Эгамберди Худойбердиев ва Йўлдош Сафаровлар техник жиҳатдан устун деб топилдилар.

●

СССР БИРИНЧИЛИГИДА

ҚАТНАШИШАДИ

Пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида бадиий гимнастика бўйича «Меҳнат» жамияти Марказий Совети биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Республикамизнинг етакчи гимнастикачиларидан ҳисобланган Ольга Тимофеева кўп курашда 45,7 балл тўплаб, яна кучлилардан эканлигини исботлади. Тошкентлик В. Зарипова иккинчи ўринни олди. Л. Зонрова учинчи бўлди. Тимофеева билан Зариповалар мамлакат чемпионати биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Бизнинг АХБОРОТ

ҚИШЛОҚДА

УЙ-ЖОЙ

КООПЕРАТИВЛАРИ

ОҚҚЎРҒОН районида қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қурилишларида кўмаклашиш туғдириш мақсадида кооперативлар ташкил этилаётир. Жумладан, «Партия XXII съезди» колхозида «Навбаҳор» уй-жой кооперативи тузилди. Бу кооператив ёрдамида ҳужалик аъзолари учун барча қулайликларга эга бўлган 11 та турар-жой биноси барпо этилади. Ҳар бири тўрт хонали бу уйларда истиқомат қилувчиларга барча қулайликлар яратилади.

Райондаги Ҳамид Олимжон ва Охунбобоев номли колхозларда ҳам «Бўстон» ва «Восток» кооперативлари тузилди. Бу кооперативларга аъзо бўлган қишлоқ меҳнаткашлари учун 25 та турар-жой биноси қурилади.

Қишлоқ кооперативлари аъзоларига турар-жойлар қурилиши учун давлат банкасидан узоқ муддатли қарзлар берилади. Кооператив уй-жойларини барпо қилишни қурилиш ташкилотлари олиб борадилар.

●

БИЛИМ ВА ҲУНАР

МЕХАНИЗАТОР, электр монтёр, дурадгор, киномеханик, ошпаз, тикувчи...

Бўка райсидаги мактабларараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг талабалари бу ҳунарлардан хоҳаганларини эгаллашлари мумкин. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳафтада бир кун комбинатда танлаган касблари бўйича тайёрланадилар. Улар ўрта мактабни тугаллагач, етуклик аттестати билан ҳукар эгаси гувоҳномасини ҳам олишади. Фақат ўтган йили бу комбинатни 500 га яқин ёшлар тугаллади. Улар ҳозир район корхоналари, хўжаликларида ишлашяпти.

Район мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича бошқа қизиқарли тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда К. Маркс номли мактабда битирувчи синфлар ўқувчиларининг Тошкент тўқимачилик комбинати ёш ишчилари билан учрашуви ўтказилди. Ёш тўқимачилар ўқувчиларга ўз касблари, комбинатда ишчиларга яратилган шароитлар ҳақида гапириб бердилар.


М. ЗАРИПОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

5—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА
БАЛЕТИНИНГ ТОМОШАЛАРИ



ҚАТНАШАДИЛАР:

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ СОЛИСТЛАРИ:

XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ.

XI Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори ва жаҳон, Европа биринчиликларининг беш марта кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги спорт мастери

Людмила СМИРНОВА.

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар:

Лариса ЛИТВИНЕНКО ва Ирина ФИЛИППОВА.

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.

Билетлар спорт зали, Свердлов номли концерт зали ва бошқа театрларнинг кассаларида, ҳамда район кассирлари томонидан сотилади.

46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Тошкент трамвай-тролейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1- ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ

ТАЙЁРЛАЙДИГАН

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. КУРСАНТЛАР, СЎНГРА ҲАЙДОВЧИЛАР ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНАДИЛАР. БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ДЕПО ЯҚИНИГА ЖОЙЛАШГАН ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Депо ишчилари форма кийимн билан таъминланадилар, (50 процент ҳақи тўланади).

ШУНИНГДЕК, КОНДУКТОРЛАР ВА КОНТРОЛЁРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ — МУДДАТИ 15 КУН. СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ
БАЗАСИДАГИ
149-шаҳар ҳунар-техника билим юрти
1980—81 ўқув йили учун
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-мотористка, бичиқчи (чарм пойафзаллар ишлаб чиқариш бўйича), техника контроли бўлими контролёри, пойафзал бошлиғини тайёрловчи, тиқув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, якка пойафзаллар тиқиш бўйича пойафзалчи.

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун бир йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 2 йил.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентн тўланади.

Билим юрти қошида вокаль-чолғу, бичиш ва тикиш, тўқиш, кино-фото тўгараклари ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, маълумотн тўғрисидаги ҳужжат 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 84-автобуснинг «Домробод» массиви» бекати), метронинг «Собир Раҳимов» станцияси, Телефон 76-77-45).

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳолисхон ҚОДИРОВА

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА

Солистлар: Комилжон ИБРОҲИМОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Тавакқал ТУРСУНОВА, Изомжон САДРИЕВ, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Абдуфаттоҳ САИДОВ (юмор ва сатира).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трести базасидаги
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ёритиш ва ёритгич тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоғи ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, газ-электр пайвандчи, никкиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электромонтажчи, контрольўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат қилиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1, 2, 3 ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирган ўқувчилар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирган ўқувчиларга (киномеханиклардан ташқари) ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига иш ҳақининг 50 процентн, қолганларга эса 33 процентн берилади.

Совет Армияси сафидан қайтиб келиб электро-монтажчи ихтисосига кириб ўқийдиган йигитларга ётоқхона берилади, ўқиш муддати қисқартирилади (ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ой). Машғулотлар группалар комплектланган сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техника ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юртидаги яхши спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (45, 33, 31, 70, 79, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар, 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар, 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ГОСКОМТРУД УзССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА:

автокранчилар, бульдозерчилар, экскаваторчилар, ҳайдовчилар, электр линиячилар, газ-электр пайвандчилар, автослесарлар. Хизмат автобуси қатнайди.

«ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» трестининг

72-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, труба ётқизувчи слесарлар, йўл ишчилари, инженерлар. Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

Бульдозерчилар, трактор кранларининг кранчилари, прораб вазифасида ишлаш учун қон техниклари, қурилиш механизмлари ремонти бўйича механиклар, очиқ ишларда портлатувчилар, портлатиш ишлари раҳбарлари, техника бўлими бошлиқларининг ўринбосарлари, катта инженерлар, инженерлар ва техниклар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Саргардонликда. Бадиий фильм. 5-серия. 11.05 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.35 — Концерт. 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.50 — Спортлото. 13.00 — Сиз бунга қодирсиз. 13.50 — Халқ асбобларининг овози. 14.45 — Биз ва сиз учун уйлар. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Ёз кунларининг бирида. Бадиий фильм. 16.25 — Эртанги кун келади. 17.15 — Халқ оҳанглари. 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетовнинг чиқиши. 19.00 — Мультфильм. 19.10 — Сандино ери. 20.10 — Ангара балетидан адажио. 20.15 — ВҲР телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Бенефис. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.35 — Эҳ, аттанг... Телевизион миниатюралар театри. 11.20 — Ўзбекистон Олимпиада йилида. 11.50 — Светофор. 12.50 — Концерт. 13.20 — Бозор қариялар. Спектакль. 2-қисм. 14.55 — Мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб. 18.20 — Санъат байрами. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Замонамиз қаҳрамонлари. 22.20 — Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концертининг давоми.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да Тирик мурда, 6/IV да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/IV да Тошкентнинг нозанин маликаси, 6/IV да Ур тўқмоқ (12.00), Тўйдан олдин томоша (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да Биринчи бўса, 6/IV да Чандиқлар (12.00).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01901. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1577. 3